77-133 IV-VI 2015 жр

2015 ЙИЛ 1 АПРЕЛЬ, ЧОРШАНБА

Тошкент оқшоми

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 77 (12.890)

Баҳоси эркин нархда

ЎЗБЕКИСТОН СИЁСИЙ ПАРТИЯЛАРИ САЙЛОВ ЯКУНЛАРИ БЎЙИЧА БРИФИНГЛАР ЎТКАЗДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини ёритиш бўйича Республика матбуот марказида Ўзбекистон «Миллий тикланиш» демократик партияси, Ўзбекистон Халқ демократик партияси ва Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партиясининг брифинглари бўлиб ўтди.

Тадбирларда Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови янги ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий-ҳуқуқий шароитларда, сиёсий рақобат руҳида ўтгани таъкидланди. Сайлов жараёни унда иштирок этган сиёсий партияларнинг фаоллиги янада ошганини кўрсатди.

Ўзбекистон «Миллий тикланиш» демократик партиясидан Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод этиб кўрсатилган Акмал Саидов сайловга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш билан боғлиқ жараёнларда барча номзодларга тенг шароитлар яратиб берилганини қайд этди. Сайловолди ташвиқоти тенглик, адолатлилик, очиқлик ва ошкоралик принциплари асосида олиб борилди.

А.Саидов тадбир иштирокчилари эътиборини бу галги сайловда сайлов кампаниясини очиқлик, ошкоралик ва шаффофлик каби демократик тамойиллар асосида ёритишда оммавий ахборот воситаларининг роли сезиларли равишда кучайганига қаратди. Сайлов кампанияси давомида мамлакатимиз оммавий ахборот воситалари фуқароларнинг ахборот олиш бўйича конституциявий ҳуқуқларини таъминлаш, жамоатчиликни сайлов кампаниясининг барча босқичларидан хабардор қилишда фаол иштирок этди.

– Биз сайловолди дастуримиз Ватанимиз ва халқимиз манфаатларига ҳамоҳанг бўлишига ҳаракат қилдик. Сайлов кампанияси давомида бизни қўллаб-қувватлаган ва бевосита ёрдам кўрсатган ишончли вакилларга, партиямиз фаолларига, аъзолари ҳамда тарафдорларига, барча сайловчиларга ўзимнинг чуқур миннатдорлигимни билдираман, – деди А.Саидов.

Ўзбекистон Халқ демократик партияси брифингида ушбу партиядан Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод этиб кўрсатилган Ҳотамжон Кетмонов сўзга чиқди. У брифинг иштирокчилари эътиборини сайлов кампаниясининг барча босқичларида сиёсий партиялар ва улар томонидан кўрсатилган номзодлар учун тенг имкониятлар яратиш принципига қатъий риоя этилганига қаратди.

Ҳ. Кетмонов мамлакатимизда сайлов жараёни очиқлик, ошкоралик, транспарентлик каби демократик тамойилларга мувофиқ ўтганини таъкидлади. Сайлов жараёнида Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови тўғрисидаги қонунчиликнинг бузилиш ҳолатлари кузатилмади.

– Президент сайловида биз 2,92 фоиз овоз тўплашга муваффақ бўлдик. Сайловчилар билан учрашувлар сайловолди дастуримизда белгиланган вазифаларда аҳоли кенг қатламлари манфаатлари етарлича қамраб олинмагани ва ушбу вазифалар янада такомиллаштирилиши зарурлигини кўрсатди. Келажакда партия дастурини такомиллаштиришга доир тегишли вазифаларни белгилаб оламиз ва уни амалга ошириш учун мавжуд барча имкониятларни ишга соламиз, – деди Ҳ.Кетмонов.

Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партиясидан Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод этиб кўрсатилган Наримон Умаров мамлакатимизда Президент сайлови ташкилий жиҳатдан юқори даражада, миллий ва халқаро қонунчилик меъёр ҳамда талабларига тўлиқ риоя этилган ҳолда ўтказилганини таъкидлади. Сайлов жараёнида қонун бузилиши ҳолатлари юзасидан партия марказий ва ҳудудий штабларига ҳеч қандай шикоят ёки мурожаатлар келиб тушмади.

– Президент сайлови партиямизга мамлакатимиз сиёсий майдонида ўз мавқеини мустаҳкамлаш, электорат манфаатларини ифода этиш имконини берди, – деди Н.Умаров.

Шунингдек, у партиянинг сайловолди дастурида белгиланган мақсад ва вазифалар амалга оширилишини, партиянинг Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ҳамда маҳаллий вакиллик органларидаги депутатлар корпуслари ва фаолларининг куч ва имкониятлари электорат манфаатларини қатъий ҳимоя қилишга сафарбар этилишига ваъда берди.

Брифингларда сиёсий партиялар томонидан Ўзбекистон Республикаси Президентлигига кўрсатилган номзодлар Марказий сайлов комиссияси эълон қилган сайлов натижаларини тўлиқ тан олди ва Ислом Каримовни Ўзбекистон Республикаси Президенти лавозимига сайлангани билан табриклаб, давлатимиз, халқимиз тараққиёти йўлидаги фаолиятига муваффақиятлар тилади.

Сардор ТОЖИЕВ,
ЎзА мухбири

ПОЙТАХТНИНГ БИР КУНИ

Ёшларга оид давлат сиёсати – амалда

Пойтахтимизда «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати Васийлик кенгашининг мажлиси бўлиб ўтди. Унда Васийлик кенгаши аъзолари, вазирлик ва идоралар, жамоат ташкилотлари, маънавият ва маърифат соҳаси вакиллари, оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этди.

ЁШЛАР – ЭРТАНГИ КУНИМИЗНИНГ ҲАЛ ҚИЛУВЧИ КУЧИ

Президентимизнинг 2014 йил 6 февралдаги «Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатини амалга оширишга қаратилган қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Қарори билан тасдиқланган мамлакатимизда 2014 йилда ёшларга оид давлат сиёсатини амалга оширишга қаратилган чора-тадбирлар дастури ижроси муҳокама қилинди.

Ватанимиз келажаги, халқимизнинг эртанги куни, мамлакатимизнинг жаҳон ҳамжамиятида муносиб обрў-эътиборга эга бўлиши ёшларимизнинг бугун қандай таълим-тарбия олиши, қандай инсон бўлиб ҳаётга кириб келишига боғлиқ.

«Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатининг асослари тўғрисида», «Таълим тўғрисида»ги қонунлар, Кадрлар тайёрлаш миллий дастури ёшларга замонавий стандартлар асосида таълим-тарбия бериш, иқтидори ва истеъдодини юзага чиқариш, уларни соғлом ва баркамол этиб тарбиялаш имконини бермоқда.

Ҳозирги мураккаб ва таҳликали замон ёшлар таълим-тарбиясига янада эътиборли бўлиш, ёш авлодни жисмонан бақувват, маънан соғлом этиб тарбиялаш ишларини янада такомиллаштириш, бу борадаги вазифаларни аниқ белгилаб олишни тақозо этмоқда.

Ёшларга оид давлат сиёсатини амалга оширишга қаратилган чора-тадбирлар дастурида етти йўналишда белгиланган вазифалар ижроси доирасида вазирлик ва идоралар, ҳокимликлар ҳамкорлигида кўплаб семинарлар, фестиваллар ўтказилди, уларда 15,5 миллиондан ортиқ ёш қамраб олинган.

Ёшларни тадбиркорликка жалб қилиш, ёш тадбиркорларни қўллаб-қувватлашга қаратилган «Менинг бизнес ғоям», «Ёш тадбиркор – юртга мададкор» лойиҳалари ва ёш тадбиркор консультатив марказлари фаолияти орқали 135 мингдан зиёд йигит-қизда тадбиркорлик кўникмалари шакллантирилди, 3 мингдан зиёд ёшлар имтиёзли кредит олиш имкониятига эга бўлди.

Кичик бизнесни ривожлантириш жараёнида банклар томонидан ёш тадбиркорлар, ҳунарманд ва фермерларга 322,4 миллиард сўмлик кредитлар берилди. Касб-ҳунар коллежлари битирувчиларининг тадбиркорлик лойиҳаларини молиялаштириш мақсадида 193,4 миллиард сўмлик имтиёзли микрокредитлар ажратилди.

«Сиз қонунни биласизми?», «Тафаккур синовлари», «Конституция билимдони», «Юрт келажаги», «Камалак юлдузлари» каби кўрик-танловлар минглаб ёшлар иқтидорини намоён этишга кўмаклашди.

«Биз – соғлом турмуш тарзи тарафдоримиз», «Конституция – тараққиётимиз кафолати» лойиҳалари, «Биз – буюк юрт фарзандларимиз!», «Биз Ватан фарзандлари – умид ниҳолларимиз!» фестиваллари орқали 3,5 миллион ёшларнинг ҳуқуқий, маънавий ва тиббий саводхонлиги оширилди.

«Шунқорлар» ва «Ёш чегарачилар» ҳарбий-спорт мусобақалари, «Камолот» шахмат тахтаси», «Камолот-тур» веломарафони, футбол, бадминтон ва теннис бўйича «Камолот» кубоги» мусобақаларида 500 мингдан зиёд ёшлар иштирок этди.

Ёш оилаларни уй-жой билан таъминлаш мақсадида мамлакатимизнинг барча ҳудудида «Камолот» уйлари қурилмоқда. Қуриб битказилган уй-жойлар ёш оилаларга «Камолот» тавсиясига мувофиқ тижорат банклари томонидан бошланғич бадалсиз, 20 йил муддатга имтиёзли ипотека кредитлари ажратиш йўли билан берилмоқда.

Дастур ижроси юзасидан тегишли йўналишлар мутасаддиларининг ахборотлари тингланди. Ёшларга оид давлат сиёсатини амалга оширишда мавжуд камчиликлар ва уларнинг ечимига эътибор қаратилди. Айрим ташкилотлар фаолиятида расмиятчилик, ёшларнинг ҳаётий муаммоларидан узоқлашиш ҳолатлари кузатилаётгани қайд этилди.

Ўтказилаётган лойиҳаларни замон талаблари асосида такомиллаштириб бориш зарурлиги қайд этилди.

Йиғилишда жорий йилда амалга оширилиши лозим бўлган ишлар, «Ўзбекистон Республикасида 2015 йилда ёшларга оид давлат сиёсатини амалга оширишга қаратилган қўшимча чора-тадбирлар дастури» лойиҳаси муҳокама этилди.

Мажлисда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари А.Икрамов сўзга чиқди.

Дилшод КАРИМОВ,
ЎзА мухбири

Сўз – халқаро кузатувчиларга

САЙЛОВЧИЛАР ФАОЛЛИГИ – ВАТАНГА ФИДОЙИЛИК ИФОДАСИ

Масару НАКАМУРА, «Фукуока-Ўзбекистон» дўстлик уюшмаси президенти, Фукуока шаҳри сайлов қўмитаси аъзоси (Япония):

– Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови куни Тошкент шаҳридаги сайлов участкаларида бўлдим. Сайлов очиқ, ошкора, ҳалол ва ҳаққоний, уюшқоқлик билан ўтди.

Сайловларнинг муқобиллик асосида ўтиши демократиянинг муҳим талабларидандир. Ўзбекистонда ўтган Президент сайловида тўрт нафар номзод иштирок этганининг ўзиёқ бу тамойилга қатъий амал қилинганини кўрсатиб турибди. Сайлов Ўзбекистон халқининг сиёсий ва ҳуқуқий савияси қанчалик юқори эканини жаҳон жамоатчилиги олдида яққол намоён этди.

Ўзбекистон сайлов тизимида ўрнак олса арзигулик кўплаб жиҳатларни кўрдим. Сайлов участкаларида сайловчилар ва кузатувчилар учун яратилган қулайликлар, зарур ускуналар билан жиҳозланган тиббиёт, она ва бола хоналари ҳамда бошқа шарт-шароит бунга ёрқин мисолдир.

Сайловни кузатиш асосида яна бир жиҳат эътиборимни тортди. Сайловга келиш имкони бўлмаган кекса ва бемор кишиларнинг турган жойига махсус қутилар олиб борилгани мамлакатингизда инсон манфаатлари, сайлов ҳуқуқларини таъминлашга катта эътибор қаратилишининг яна бир ёрқин ифодасидир.

Зенонас ВАЙГАУСКАС, Литва Марказий сайлов комиссияси раиси:

– Ўзбекистонда Президент сайлови юксак савияда ўтди. Сайлов участкалари комиссиялари аъзолари овоз бераётган фуқароларнинг барча саволларига батафсил жавоб қайтарди. Сайловчилар фаоллик билан, эмин-эркин овоз берди.

(Давоми 2-бетда)

XXI аср садоси

Барча манбалардан олинган сўнгги хабарлар

МАМЛАКАТИМИЗДА

● Ўзбекистон Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигида пилла мавсумига тайёргарлик кўриш ва уни уюшқоқлик билан ўтказишга бағишланган йиғилиш бўлиб ўтди. Унда «Пилла» бирлашмалари ҳамда ипак қурти уруғчилиги ва пиллани қайта ишлаш корхоналари раҳбарлари иштирок этди. Тадбирда жойларда уруғ жонлантиришни мутахассислар тут баргининг ривожига қараб белгилаши, тутзорларга ишлов бериш, пилла парваришида агротехник қоидаларига амал қилиш, янги кўчатлар экиш юзасидан фикрлашилди.

● Самарқанд туманида узумчиликни ривожлантириш, мавжуд токзорлар самарадорлигини ошириш ва янгиларини барпо этишда илғор агротехнологияларни амалиётга кенг жорий қилишга бағишланган кўргазмали семинар бўлиб ўтди.

● Ўзбекистон қишлоқ хўжалигини механизациялаш ва электрлаштириш илмий-тадқиқот институтининг бир гуруҳ олимлари томонидан қишлоқ хўжалиги машинасозлиги соҳасида фойдаланиш учун замонавий уруғ тозаловчи қурилма ихтиро қилинди. Унинг вазифаси унумдорликни ошириш ва уруғларнинг тўлиқ ажралишини таъминлашдан иборат. Бу янгиликнинг соҳада сезиларли натижа бериши кутилмоқда.

● Қарши шаҳридаги вилоят онкология диспансерининг янги ва реконструкция қилинган бинолари фойдаланишга топширилди. 120 ўринга мўлжалланган диспансерда 5 миллиард сўмликдан ортиқ қурилиш ва реконструкция ишлари амалга оширилди. Муассасанинг болалар, гинекология ва реанимация бўлимлари янги, бўйин-бош, жарроҳлик ва диагностика бўлимлари реконструкция қилинган биноларда фаолият юритмоқда.

● Урганч шаҳрида фуқаролик ҳолати далолатномаларини ёзиш бўлимининг янги биноси фойдаланишга топширилди. Замонавий ва миллий архитектура ечимлари асосида қурилган «Бахт уйи» биносида ёшлар никоҳини қайд этиш зали, «Оила дорилфунуни», ҳужжатларни сақлаш ва бошқа хоналар мавжуд бўлиб, бугунги кун талаблари асосида жиҳозланган.

ЖАҲОНДА

● Чилидаги оламга машҳур Пукон курорти атрофидаги Вильярикка вулқонидан лава ва кул отилиши давом этмоқда. Ушбу шаҳар ҳокимининг таъкидлашича, маъмурлар вазиятни тўлиқ назоратга олишган ва зарурат туғиладиган бўлса тегишли хавфсизлик чораларини кўришга тайёрлар.

● АҚШнинг Калифорния университети олимлари сунъий йўлдошлар ёрдамида ўтказган узоқ йиллик кузатувлари натижасида табиатда сув айланиши йилига 1,5 фоиз ортиб бораётганлигини аниқлашди. Яъни, дарёлардан океану денгизларга қуйилаётган чучук сув миқдори 1994 йилдан 2006 йилгача бўлган даврда 18 фоизга ошган. Бу кишилик жамияти учун яхши ҳолат, бироқ унинг тўфонлар ва сув тошқинларини келтириб чиқарувчи кучли жалалар эвазига юзага келиши ташвишли.

● Бразилияда тинимсиз жала қуйиши натижасида кўпгина муаммолар келиб чиқмоқда. Жумладан, мамлакатнинг шимолий қисмида йўловчи автобуси иккита шаҳарни ўзаро бирлаштирувчи катта йўлнинг ўзида сувга ғарқ бўлди. Дастлаб автобус орқа оёқларида осилиб қолди ва бу вақтнинг ичида йўловчилар салонни тарк этишга муваффақ бўлдилар. Сўнг, бўш транспорт воситаси пайдо бўлган йўл ёриғидан дарёга тушиб чўкиб кетди.

САЙЛОВЧИЛАР ФАОЛЛИГИ — ВАТАНГА ФИДОЙИЛИК ИФОДАСИ

(Давоми. Боши 1-бетда)

Фуқароларнинг сайловда фаол иштирок этгани, куннинг биринчи ярмигача сайловчиларнинг 70 фоиздан ортиғи овоз бериб бўлгани эътиборга сазовор. Бундай фаоллик халқингизнинг ўз Ватанига фидойилигини кўрсатади.

Президентликка номзодларга сайлов кампанияси давомида тенг имкониятлар яратилганига гувоҳ бўлдик. Ўзбекистонда сайловларни ташкил этиш тажрибасидан ўрнак олса арзийди. Биз ҳам бу борада мамлакатингиз соҳа мутахассислари билан ўзаро тажриба алмашишдан, икки томонлама ҳамкорликни мустаҳкамлашдан манфаатдормиз.

Вижай ЖОЛЛИ, «Бҳаратия Жаната» партиясининг ташқи алоқалар бўлими мувофиқлаштирувчиси (Ҳиндистон):

– Ўзбекистон мустақиллик йилларида саноатлашган, жадал тараққий этаётган мамлакатга айланди. Мамлакат иқтисодиёти барқарор ривожланмоқда. Ўзбекистон ва Ҳиндистон ҳамкорлиги барча соҳада изчил тараққий этиб, мустаҳкамланиб бораётганини алоҳида таъкидлашни истардим.

Ўзбекистонда Президент сайлови демократик тамойиллар, кўппартиявийлик ва муқобиллик асосида, очиқ ва ошкора руҳда ўтди. Айниқса, фуқароларингизнинг сиёсий фаоллиги, сайловда ўзи истаган номзодга овоз беришга катта қизиқиш билан жиддий ёндашгани ҳаваснимни келтирди. Бу Ўзбекистон аҳолисининг маънавияти, сиёсий, ҳуқуқий билим ва маданияти юксак эканидан далолатдир.

Алиҳайдар РЗАЕВ, халқаро кузатувчи (Бирлашган Араб Амирликлари):

– Мамлакатингиз ҳақида кўп эшитганман ва ўқиганман. Ўзбекистон ёшларининг фаоллиги, юрт равнақига камарбаста экани, одамларнинг ҳаётдан розилиги ва эртанги кунга ишончи менда катта таассурот қолдирди. Бу жиҳатлар Президент сайловида ҳам намоён бўлди.

Халқингизнинг тарихга эҳтироми, миллий қадриятларни тиклаш ва эъзозлаш, маданий ёдгорликларни асраб-авайлашга эътибори ҳурматга лойиқ. Бунга мен Самарқанд шаҳрини зиёрат қилиш асносида яна бир карра амин бўлдим. Мазкур қадимий ва фусункор шаҳар жозибасидан руҳландим.

Ўзбекистонда автомобилсозлик, транспорт ва транспорт коммуникациялари соҳаларининг изчил ривожланаётгани мамлакатингиз иқтисодий салоҳиятини янада оширмоқда. Ўзбекистон халқаро савдо алоқаларида муҳим роль ўйнамоқда, юртингиз бизнес ва логистика марказларидан бирига айланмоқда.

Ўзбекистон буюк истиқболга эришишига, тараққиётингиз янада юксалишига ишонамиз.

ЎзА мухбирлари Ирода УМАРОВА, Нодира МАНЗУРОВА ёзиб олди

Ёшларнинг назарий билимлари мустаҳкамланмоқда.

Ҳунари гўзаллар

АНЪАНАЛАР ДАВОМ ЭТАДИ

Миллий урф-одат, анъана, қадриятлар ҳар бир миллатни дунёга танитувчи маёқдир. Мустақиллик йилларида Президентимиз раҳнамолигида унутилаёзган урф-одат ва анъаналаримизни қайта тиклаш борасида кенг кўламли ишлар амалга оширилди. Айниқса, авлоддан-авлодга ўтиб келаётган халқ ҳунармандчилигининг баъзи унутилган турлари қайта тикланиб, бугунги кунда уларни ёш авлодга ўргатиш анъанаси яхши йўлга қўйилди.

Ҳунармандчилик халқимизда қадим замонлардан ривожланган. Асрлар давомида унинг тўқувчилик, тикувчилик, каштачилик, рассомлик, зардўзлик, сандиқчилик, кандакорлик, пичоқчилик, кулолчилик, наққошлик каби турлари сайқалланиб келмоқда.

Бугунги кунда халқимизнинг қадим анъаналарини қунт билан ўрганиб, меҳр-муҳаббат билан давом эттираётган ёшларни кўриш жуда қувонарли. Ана шундай ёш истеъдодлардан бири – Ғуломиддин Ғуломовдир. Нақкошлик санъатида ўзига хос услуб яратаётган Ғуломиддин ёшлигидан устози Анвар Исроиловдан ушбу ҳунарнинг сир-синоатларини пухта ўрганиб келмоқда.

Ҳозирда ёш ҳунарманд шаҳримиздаги Абулқосим мадрасасида ўз ижодий ишини давом эттирмоқда. У турли сопол ва ёғоч идишлар, қутичалар ва бошқа буюмларга нақш туширади.

– 14 ёшимдан нақкошлик сирларини ўрганиб келаман, – дейди Ғуломиддин Ғуломов биз билан суҳбатда. – Бу ҳунар инсондан катта сабр-тоқатни талаб қилади. Бир маҳсулотни тайёр ҳолатга келтириш учун баъзида ойлаб вақт сарфлашга тўғри келади. Ҳунарнинг ана шундай қийинчиликларига чидаган инсонгина ҳақиқий гўзалликни ярата олади.

Халқ амалий санъатининг бу тури жуда қадимийлиги, қолаверса, ўзига хос бетакрор намуналари билан ажралиб туради. Ундаги ҳар бир нақш чуқур ички маънони ифодалаш билан бирга миллийлигимизни англатади.

Келажакда Ғуломиддин нақкошлик санъатини ривожлантириш, кўплаб шогирдлар тайёрлаш ва нуфузли танловларда иштирок этиб, ғолибликни қўлга киритиш каби бир қанча эзгу мақсадлар сари олға интилмоқда.

Моҳира ЖУМАНОВА

ҲУҚУҚИЙ ҲИМОЯ — ТАРАҚҚИЁТ ОМИЛИ

Мамлакатимизда фаолият юритаётган корхоналар қаторида хориж инвестицияси жалб этилган қўшма корхоналарнинг ҳам борлиги экспорт ҳажмининг ошишига, валюта тушумининг кўпайишига, малакали мутахассислар сони ортишига ва аҳолининг муқим иш билан таъминланишига имконият яратмоқда.

Шу боис, юртимизда хорижий инвесторларнинг фаолият юртишига кенг йўл очилиб, уларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишга доир ҳуқуқий ҳужжатлар ҳаётга татбиқ этилган. «Чет эл инвестициялари тўғрисида», «Чет эллик инвесторлар ҳуқуқларининг кафолатлари ва уларни ҳимоя қилиш чоралари тўғрисида», «Инвестиция фаолияти тўғрисида»ги қонунлар шулар жумласидан бўлиб, улар хорижий инвесторларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишга йўналтирилган.

Дарҳақиқат, бугунги кунда Тошкент шаҳри ҳудудида 1206 та хорижий инвестиция иштирокидаги корхоналар мавжуд бўлиб, шундан 120 таси турли сабабларга кўра фаолият юритмаяпти. Ушбу корхоналарнинг фаолияти билан боғлиқ муаммолар ўрганилиб, зарур чора-тадбирлар кўрилмоқда.

Шунингдек, шаҳар Адлия бошқармасининг хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналарни ҳуқуқий ҳимоя қилиш бўлими томонидан мунтазам равишда хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналар фаолияти бўйича мониторинглар ўтказилмоқда. Мониторинглар давомида қўшма корхоналарда мавжуд бўлган муаммолар аниқланиб, уларга амалий ёрдам бериш чоралари амалга оширилмоқда. Хусусан, «Текширишларни рўйхатга олиш китоби» юритилишининг ҳолати ўрганилганда, Яккасарой ва Шайхонтоҳур туманлари Давлат солиқ инспекциялари ва Тошкент шаҳар Давлат архитектура ва қурилиш инспекцияси ходимлари томонидан ушбу китобнинг «Текширишларни рўйхатга олиш китобини тўлдириш тартиби тўғрисида»ги Низом талабларига зид равишда тўлдирилганлиги ҳолатларининг мавжудлиги аниқланган. Натижада, текширишларни рўйхатга олиш китобини тўлдиришда қонунбузилишларга йўл қўймаслик хусусида огоҳномалар киритилган.

Шунингдек, бошқарма томонидан хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналарнинг фаолияти билан боғлиқ муаммолар ўрганилиб, уларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишга доир ишлар амалга оширилмоқда.

Хусусан, ўрганиш давомида Бектемир туман электр тармоқлари корхонасига МЧЖ шаклидаги «Textile technologies group» хорижий корхонаси томонидан 672 000 сўм пул маблағини олдиндан амалга оширилган тўловдан ушлаб қолиш ҳақидаги аризасига ва қайта худди шу мазмундаги аризасига жавоб берилмаганлиги аниқланган. Натижада, туман электр тармоқлари корхонаси ходимлари томонидан Ўзбекистон Республикасининг «Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида»ги Қонунининг 31-моддаси талаблари бузилиб, Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексининг 43-моддасида назарда тутилган ҳуқуқбузарлик содир этилган.

Адлия бошқармаси томонидан ҳуқуқбузарлик содир этган масъул шахсларнинг ҳаракатларига қонуний баҳо бериш учун Бектемир туман прокуратурасига тегишли ҳужжатлар юборилган. Ушбу ҳолат юзасидан Жиноят ишлари бўйича Бектемир туман судининг қарорига асосан корхона ҳисобчиси Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексининг 43-моддаси билан маъмурий жавобгарликка тортилиб, унга нисбатан энг кам ойлик иш ҳақининг бир баравари миқдорида жарима жазоси тайинланган.

Хулоса қилиб айтганда, бугунги кунда ишлаб чиқаришни кенгайтиришда ва маҳсулот экспорти ҳажмини кўпайтиришда қўшма корхоналарнинг ҳиссаси тобора ортиб бормоқда. Бу эса мавжуд тадбиркорлик субъектлари, шу жумладан, хориж инвестицияси иштирокидаги корхоналарга эркин фаолият кўрсатиш учун қулай муҳит, қонуний кафолат ва ҳуқуқий ҳимоя тўлиқ яратилганидан далолат беради.

Шохруҳ ШЕРМАТОВ, Тошкент шаҳар Адлия бошқармаси ходими

Шаҳримиздаги таълим муассасаларида «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати Тошкент шаҳар Кенгаши, Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими бошқармаси, Тошкент шаҳар Адлия бошқармаси ҳамда Тошкент шаҳар Ички ишлар бош бошқармаси ўзаро ҳамкорликда «Сиз қонунни биласизми?» кўрик-танлови ўтказилмоқда.

Танловлар

СИЗ ҚОНУННИ БИЛАСИЗМИ?

Чунончи, Тошкент Молия институти қошидаги 2-сон академик лицейида «Сиз қонунни биласизми?» кўрик-танловининг Олмазор туман босқичи ташкил қилинди. Танловда 4 та жамоа 5 та шарт бўйича ўзаро беллашди.

— Ўқувчиларнинг ҳуқуқий билимлари, онги ва маданиятини юксалтириш, уларни Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва бошқа қонун ҳужжатларига ҳурмат руҳида тарбиялаш, ёшларнинг эркин фикрлаш қобилияти ва нутқ маданиятини ўстириш, уларнинг фаол фуқаролик позициясини янада мустаҳкамлаш, иқтидори юксак ўқувчиларни аниқлаш ва уларни рағбатлантириш мақсадида мазкур кўрик-танлов ўтказилмоқда, — дейди «Камолот» ЁИҲ туман Кенгашининг бош мутахассиси, «Камалак» болалар ташкилоти раиси Беҳзод Исаев. — Олмазор туманидаги 16 та касб-ҳунар коллежи ва академик лицейлар ўртасида Тошкент Молия институти қошидаги 2-сон академик лицейида ҳамда Тошкент Архитектура-қурилиш институти қошидаги академик лицейда «Сиз қоннуни биласизми?» кўрик-танловининг саралаш босқичи ташкил қилинди. Танловда гуруҳлар бешта шарт бўйича беллашдилар ҳамда 16 та касб-ҳунар коллеж ва академик лицейлар орасидан Тошкент қурилиш ва миллий ҳунармандчилик касб-ҳунар коллежи, Тошкент Давлат техника университети қошидаги компьютер технологиялари академик лицейи, Тошкент Молия институти қошидаги 2-сон академик лицейи ҳамда Тошкент хизмат кўрсатиш ва сервис касб-ҳунар коллежлари ғолибликни қўлга киритиб, туман босқичига йўлланма олдилар.

Танлов якунида Тошкент Давлат техника университети қошидаги компьютер технологиялари академик лицейи зафар қучиб, «Сиз қоннуни биласизми?» кўрик-танловининг Тошкент шаҳар босқичига йўлланма олди.

* * *

Мирзо Улуғбек туманидаги Тошкент геодезия ва картография касб-ҳунар коллежида ҳам «Сиз қонунни биласизми?» кўрик-танловининг туман босқичи бўлиб ўтди.

«Камолот» ЁИҲ туман Кенгаши томонидан ташкил этилган танловда тумандаги 12 та академик лицей ва касб-ҳунар коллежларнинг жамоалари қатнашди. Ҳар бир жамоа таништирув, «Ҳуқуқий билимлар савиясини аниқлаш» мавзуидаги савол-жавоб, видеоролик тақдимоти, «Уй вазифаси» ҳамда Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатининг асослари тўғрисида»ги Қонунининг янги тахрири хусусида муҳокамалардан иборат 5 та шартга кўра беллашдилар.

Беллашувда Интерхаус академик лицейи ўқувчиларидан иборат жамоа биринчи ўринни эгаллади.

Зиёда РАСУЛОВА

Тошкент шаҳар ҳокимининг ҚАРОРИ

ТОШКЕНТ ШАҲРИ КЎЧАЛАРИ, БИНО ВА ИНШООТЛАРИДАГИ РЕКЛАМА, ЭЪЛОН ВА ТУРЛИ АХБОРОТЛАРНИ ТАРТИБГА КЕЛТИРИШ БЎЙИЧА ҚЎШИМЧА ЧОРА-ТАДБИРЛАР ТЎҒРИСИДА

Тошкент шаҳар кўчалари, хиёбонлари, бино ва иншоотлари, ёритиш устунлари, савдо ва хизмат кўрсатиш объектларига жойлаштирилган айрим реклама, эълон, ёзув ва турли ахборотларни ўрганиш жараёнида орфографик хатолар билан ёзилаётганлиги, уларда иккиламчи ва маънавиятимизга зид маънолар келиб чиқаётганлиги, «Давлат тили тўғрисида»ги, «Лотин ёзувига асосланган ўзбек алифбосини жорий этиш тўғрисида»ги ва «Реклама тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг қонунларида белгиланган талаблар бузилаётганлигини инобатга олиб,

ҚАРОР ҚИЛАМАН:

1. Тошкент шаҳар Маънавият ва маърифат Кенгаши аъзоларининг пойтахт кўчаларидаги бино ва иншоотлар фасад қисми ҳамда ёритиш устунларига жойлаштирилган хусусий эълон, реклама ва турли ахборотларни тартибга келтириш, улардаги ёзувларни тўғрилаш, маънавиятга зид бўлган кўринишларни бартараф этиш юзасидан билдирилган таклифлари маъқуллансин.

2. Туман ҳокимлари:

Ички ишлар бош бошқармаси, Давлат солиқ бошқармаси, Архитектура ва қурилиш бош бошқармаси, Ер ресурслари ва давлат кадастри бошқармаси, Ободонлаштириш бош бошқармаси, Савдо, хизмат кўрсатиш соҳаси ва халқ истеъмол моллари департаменти, Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш Тошкент шаҳар ҳудудий бошқармаси, Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси Тошкент шаҳар ҳудудий бошқармаси ва мутасадди ташкилот вакилларидан иборат ишчи гуруҳлари беш кун муддатда тузилсин.

Мазкур ишчи гуруҳларга қуйидаги:

тумандаги бино ва иншоотлар, савдо, умумий овқатланиш ва хизмат кўрсатиш объектлари ташқи томони ва атрофига жойлаштирилган реклама, эълон ва ахборотлардаги матн, ташқи дизайни ва ҳажмини ўрганиб чиқиш;

орфографик хатолар билан ёзилган, «Давлат тили тўғрисида»ги, «Лотин ёзувига асосланган ўзбек алифбосини жорий этиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг қонунлари, архитектура талаблари ва маънавиятимизга зид реклама, эълон ва ахборотларни тартибга келтириш;

тадбиркорлик субъектларига ўрнатиладиган реклама, эълон ва ахборотлар архитектура ва қонун талабларига жавоб бериши, матнларнинг давлат тилида тўғри ёзилиши ҳамда акс эттирилган кўринишлар маънавиятимизга мос бўлиши лозимлигини тушунтириш ҳамда мазкур тарғибот воситаларини жойлаштиришдан аввал, матнлар пухта текширилиши лозимлигини тавсия этиш;

Ўзбекистон Республикасининг «Реклама тўғрисида»ги Қонунига мувофиқ, ташқи рекламани кўча ёритгичларининг таянчларида ҳамда кўча ва йўллар қатнов қисми узра жойлаштириш хавфсизлик техникаси талабларига риоя қилган ҳолда ва йўл белгилари, светофорлар, чорраҳалар, пиёдаларнинг ўтиш жойлари, умум фойдаланишдаги транспорт воситалари бекатларини тўсиб қўймаган ҳолда, шунингдек бундай реклама йўл белгилари ва тасвирини такрорламаган (ёки айнан тақлид қилмаган) тақдирда амалга оширилишини назорат қилиш;

ташқи реклама, эълон ва ахборотларни маданий мерос объектлари, ташқи ёритиш устунлари, йўл белгилари ва светофорларда, уларнинг тиргакларида ёки ҳаракатни тартибга солиб турувчи бошқа ҳар қандай қурилмаларда, шунингдек дов-дарахтларни пайҳон қилиш ва туташ ҳудуддаги ободонлаштириш воситаларини бузиш йўли билан жойлаштириш тақиқланиши ҳақида огоҳлантириш;

қонун ҳужжатларига зид бўлган, бино ва иншоотлар, савдо, умумий овқатланиш ва хизмат кўрсатиш объектлари пештоқларидаги орфографик хато билан ёзилган ёзувлар, тарғибот воситалари, иккиламчи маъноли сўзлар ва маънавиятимизга тўғри келмайдиган суратларнинг жойлаштирилишини олдини олиш чораларини кўриш вазифалари топширилсин.

Ишчи гуруҳлар томонидан белгиланган вазифалар амалга оширилиши бўйича йўналиш хариталари ишлаб чиқилиб, бажарилган ишлар ҳар ҳафтада муҳокама этиб борилсин ва назоратга олинсин.

3. «Реклама тўғрисида»ги қонун ва бошқа қонун ости ҳужжатларини бузилганлик учун жавобгарлик масаласи қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ваколатли орган томонидан амалга оширилиши белгилаб қўйилсин.

4. Туман ҳокимликлари, Маънавият тарғибот маркази (Ф.Маҳмудхўжаев) билан биргаликда мутахассисларни жалб қилган ҳолда, реклама, эълон ва ахборотлардаги матнлар тўғри ёзилганлигини кўриб чиқиш бўйича махсус жамоатчилик гуруҳи тузилсин ва гуруҳ фаолияти учун зарур шарт-шароитлар яратилсин.

5. «Тошшаҳартрансхизмат» акциядорлик компанияси (О.Содиқов), Ички ишлар бош бошқармасининг Йўл ҳаракати хавфсизлиги бошқармаси (С.Ирисбеков), махсус жамоатчилик гуруҳи билан биргаликда:

Тошкент шаҳридаги жамоат транспортларида жойлаштирилган реклама, ахборотлар, ёзувлар ва номларнинг матнлари ҳамда дизайнини ўрганиб чиқиб, камчиликларни бартараф этиш ҳамда амалдаги қонунчиликка мос бўлишини таъминлаш бўйича чора-тадбирлар белгилансин.

Юридик ва жисмоний шахсларга тегишли транспортларда жойлаштирилган реклама, ахборот воситалари, ёзувлар ва номларнинг матнларидаги қонунбузилиш ҳолатлари юзасидан Вазирлар Маҳкамасининг 2005 йил 12 октябрдаги 225-сон қарори талабларига мувофиқ чоралар кўрилиши инобатга олинсин.

6. Туман ҳокимликлари, Ободонлаштириш бош бошқармаси (А.Каримов), Тошкент шаҳар Табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси (Ш.Мухамеджанов), «Тошшаҳарнур» ДУК (С.Толипов) билан биргаликда шаҳар кўча ёритгичларининг таянчлари ва дарахтларни турли мавзулардаги эълонлардан тозалаш ишлари амалга оширилсин.

7. Тошкент шаҳар Архитектура ва қурилиш бош бошқармаси (А.Таджиев), Ободонлаштириш бош бошқармаси (А.Каримов): Фуқаролар шахсий эълонларини жойлаштириши учун махсус стендлар намуналари лойиҳаси ишлаб чиқилсин ҳамда улар ўрнатиладиган жамоат жойлари бўйича таклифлар киритилсин.

8. Мазкур қарор «Тошкент оқшоми» ва «Вечерний Ташкент» газеталарида расман эълон қилинсин ҳамда www.tashkent.uz веб-сайтига жойлаштирилсин.

9. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан кучга киради.

10. Ушбу қарорнинг ижросини назорат қилиш Тошкент шаҳар ҳокимининг биринчи ўринбосари Б.Рахмонов зиммасига юклансин.

Тошкент шаҳар ҳокими Р. Усманов

2015 йил 19 март

Ободонлаштириш ойлиги давом этмоқда

Маълумки, Наврўзи оламнинг илк кунларида «Маҳалла» хайрия жамоат фонди, «Нуроний» жамғармаси шаҳар бўлимлари, туманлар ҳокимликларининг шаҳримиз ҳудудида бўш ётган ер майдонларига мевали дарахтлар экиб, боғ яратиш бўйича таклифлари кенг жамоатчилик томонидан мамнуният билан кутиб олинди ҳамда ушбу ташаббуснинг маҳаллалар, корхоналар ва фуқаролар томонидан ҳамжиҳатликда амалга оширилиши лозимлиги таъкидланди.

Эътироф этиш керакки, шу кунларда «Ўзбекистон мустақиллигининг 24 йиллигига 24 туп дарахт менинг туҳфам», шиори остида шаҳримизда боғ-роғ яратиш ташаббуси кенг қанот ёйди.

Бугунги кунда «Ободлик кўнгилдан бошланади», – деган эзгу ғоя ҳаётимизнинг моҳиятини белгилаб турибди. Аввало, ҳар биримиз бу шиорнинг мағзини чақишимиз, бошқача айтганда, ободликни бевосита кўнгилга олиб киришимиз лозим.Чунки ободлик охир-оқибат фаровонликка етказади.

Баҳор бу йил юртимизга анча эрта келди. Лекин, орада баъзи кунлар бир оз совиб кетган бўлсада, шаҳримизнинг ҳамма ерида кўчат экиш, боғ яратиш ишлари давом эттирилди. Пойтахтимизнинг барча маҳаллалари, корхона ва ташкилотларида бу борада кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда. Мақсадимиз – яшаб турган шаҳримизни янада обод қилиш. Ободликдан ҳамма бирдай баҳраманд бўлади, ахир.

Ободонлаштириш фақат шу соҳага мутасадди идораларнинггина иши эмас. Ҳар биримиз, шу шаҳарда яшаймизми, уни обод қилишга масъулмиз. Қадимдан шундай бўлиб келган. Акс ҳолда, халқимиз орасида: «Умрингда бир дарахт экканмисан?» – деган савол пайдо бўлмаган бўлар эди.

Халқимиз азал-азалдан дарахт экиб, савоб олиш ҳақида кўплаб ҳикматлар яратган ва бу доно фикрларга амал қилиб яшаган.

Биз чўп суқсанг, кўкариб кетаверадиган жаннатмонанд мамлакатда яшаймиз. Бу борада жонажон шаҳримизга етадигани йўқ. Чирчиқ дарёсидан сув оладиган саккизта канал қўлнинг панжалари янглиғ таралиб, шаҳримиз ҳудудига файзу барака киритиб оқади. Денгиз сатҳидан анча баландда жойлашгани учун еримиз шўрланмайди. Тоғли ҳудуд бўлгани сабабли ёғингарчилик кўп ва дов-дарахтлар гуркираб ўсиши учун ерда етарли даражада намлик сақланади. Экиб қўйилган, ҳатто ҳеч ким суғормайдиган тераклар ҳам тўқиз қаватли уйдан баланд бўлиб ўсиб ётганини кўрган кўплаб хорижий сайёҳлар шаҳримизга ҳавас билан боқишади.

Қадим-қадимдан ота-боболаримиз она заминимизнинг ана шу имкониятларидан унумли фойдаланиб, шаҳримизни боғ-роғларга айлантириб яшаб келишган. Мустақиллик йилларида биз бу миллий анъаналаримизни изчил давом эттиришга киришдик. Ана шу азалий қадриятларимизга қатъий амал қилиб, ҳар йили баҳорда шаҳримизни янада кўкаламзорлаштириш, имкони бор ерларда кўчат экиб, боғ-роғлар барпо этишга киришамиз, атроф-муҳитни ободонлаштирамиз. Ахир, ўзимиз яшаб турган маҳалла, ишлаётган корхона ва ташкилот ҳудудини кўркам боғ-роғларга айлантириш, ҳудудни ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш, авваламбор, ўзимизнинг кўнглимизни шод этади.

Ана шундай мўътабар юртнинг қадрига етиш шу Ватаннинг нонини еган ҳар бир фуқаронинг муқаддас бурчи ҳисобланади. Она заминга муҳаббатнинг эса уни обод қилиш орқали намоён бўлиши ҳам – айни ҳақиқат.

Кўкламнинг ҳар лаҳзаси – ғанимат. Экадиганинг кўчатни ҳозир экмасанг, яна бир йил кутишингга тўғри келади.

Хайрли ташаббус

ШАҲРИМИЗНИ БОҒ-РОҒЛАРГА АЙЛАНТИРАЙЛИК!

Шу фарахбахш кунларда ҳар бир ҳамшаҳримиз кўнглидан: «Қани энди ҳар бир кўча, ҳар бир кўп қаватли уй атрофида мевали ва манзарали дарахтлар ўтқазилса, шаҳримиз янада гўзал, обод ва кўкаламзор бўлларди», – деган эзгу фикр кечаётган бўлиши табиий.

Мана, Наврўзи олам ўз сепини ёйди. Халқимизда: «Йилнинг баракаси – баҳорига боғлиқ», – деган ажойиб нақл бор. Шаҳримизда март – апрель ойлари ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ойлиги деб эълон қилинди.

Кўклам – она табиатнинг бетакрор мўъжизаси. Бу фаслнинг ўз таровати, ўз гашти, ўз юмушлари бор, албатта. Шу боис бу айёмнинг ҳар бир кунини ғанимат билайлик! Мевали ва манзарали дарахтлар кўчатларини экиш, атрофни ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш баҳорий мавсумнинг асосий вазифаларидан бири эканини унутмайлик. Пойтахтимизнинг янада гўзал ва обод бўлишига ўз муносиб ҳиссамизни қўшайлик!

Дунёда шундай мамлакатлар борки, дарахт кўчати экиш учун салкам минг чақирим жойдан унумдор тупроқ олиб келишади. Бизнинг жаннатмонанд заминимиз бағрида ўсмайдиган дарахтнинг ўзи йўқ. Бинобарин, олтинга тенг она маконимизни ҳар қанча обод ва кўкаламзор этсак ҳам, камлик қилади.

Маҳалла-кўй, кексаю ёш ҳамжиҳат бўлиб, маҳаллаларимиз, мавзеларимиз, даҳаларимиз, кўп қаватли уйларимиз ва ҳовлиларимиз, уларнинг атрофлари, кўчалар, болалар майдончаларидаги бўш жойларга мевали дарахтлар экиб, боғлар барпо этайлик.

Қадим замонлардан ота-оналар ҳар бир фарзанди учун биттадан дарахт экиш анъанасини қадрлаган. Келинглар, биз ҳам шу миллий анъаналаримизга содиқ қолиб, ҳар бир фарзандимизга атаб биттадан дарахт кўчати ўтқазайлик. Фарзандларимиз улғайиб, биз экиб, парвариш қилган дарахтлар мевасию соя салқинидан баҳраманд бўлсин.

Дарахтлар ҳар қандай шаҳарнинг кўркига кўрк, чиройига чирой қўшади. Чангларни ютиб, ҳавони тозалайди. Кислородни кўпайтиради. Мўътадил намликни ушлаб туради. Мева ва соя беради.

Албатта, мамлакатимиз деҳқону боғбонлари шаҳримиз аҳлини мевачева ва бошқа қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари билан беминнат таъминлаб турибди. Йил давомида пойтахтимизда вилоятларимизнинг қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ярмаркаси ташкил этилиб, шаҳарликлар учун арзон ва сифатли маҳсулотлар савдоси йўлга қўйилмоқда.

Лекин азим шаҳримиз бағрида ҳам яна қанчаданқанча мева етиштириш шароити бор. Шу имкониятдан унумли фойдаланайлик. Жонажон шаҳримизни янада обод, кўркам ва фусункор масканга айлантиришга, дастурхонимизнинг яна тўкин бўлишига ҳар биримиз ўз ҳиссамизни қўшайлик.

Мева-чевани фақат қишлоқ етказиб бериши керак, деб ўтирмайлик. Тошкентимизнинг ҳар қаричида болдек ширин нозу неъмат етиштирса бўлади.

Азиз ҳамшаҳарлар!

Келинглар, «Кексаларни эъзозлаш йили»да «Маҳалла» хайрия жамоат фонди, «Нуроний» жамғармасининг шаҳар бўлимлари, туманлар ҳокимликлари шаҳримиздаги ҳар бир маҳалла ҳудудида умумий майдони камида бир гектардан иборат бўлган боғ барпо этиш ташаббуси билан чиқишган экан, ҳаммамиз буни қўллаб-қувватлаб, ана шу эзгу ишга ўз муносиб ҳиссамизни қўшайлик.

Шаҳримизда амалга оширилаётган мана шундай кўкаламзорлаштириш, кўчат экиб боғ яратиш каби хайрли ишлар «Оқшом» газеталарида мунтазам равишда ёритиб борилади.

Олим МАҲМУДОВ

КЕКСАЛАР ЎГИТИ — ЁШЛАРГА ИБРАТ

Халқимиз азалдан дарахт экиб, боғ яратишни, савоб ишлар бошида туришни ўзига мақсад қилган. Баҳор келиши билан дов-дарахтларга шакл берилиб, ортиқча новдалар олиб ташланган, мевали ва манзарали дарахтлар, гулу чечаклар уйлар ва теварак атрофдаги бўш жойларга экилиб, тоза, покиза ҳолга келтирилиб, ҳар бир байрам ва шонли саналар ёруғ юз билан кутиб олинган.

Айниқса келину қизларимиз, оналаримизнинг эрта саҳардан ҳовлию кўчаларни чиннидай қилиб супуриб, сувларни сепиб қўйишдек хайрли, барча ҳавас қилса арзийдиган чиройли одатимиз ҳақида фахрланиб айтсак ярашади.

Чунки озодалик, покизалик бор жойда ишда унум ва барака бўлади. Ривоятларга кўра, эрта саҳардан супуриб-сидирилган, тоза-озода жойда фаришталар ҳам дуо айтиб, шу хонадонга тинчлик-омонлик, хайру барака тилаб тураркан. Айни кунларда мана шу эзгу мақсад йўлида бутун мамлакатимизда, хусусан шаҳримизда ҳам ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ишлари кенг миқёсда олиб борилмоқда.

— Биз кексалар бу ишдан четда туришни лозим топмай, ҳар бир туманда баҳоли қудрат бош-қош бўлишга интилмоқдамиз, — дейди Ўзбекистон фахрийларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш «Нуроний» жамғармаси Тошкент шаҳар бўлими кенгаши раиси ўринбосари Ўткир Ерматов. — Шу кунгача жамғарманинг шаҳар ва туман бўлимлари томонидан 190 туп мевали ва 146 туп манзарали дарахтлар ўтқазилди. Бундан ташқари 1500 дан ортиқ гул кўчатлари экилиб, шаҳримизнинг янада гўзал ва обод бўлишига ҳисса қўшилди. Албатта, бунда нуроний отахон-онахонларнинг ёшларга панднасиҳатлар берган ҳолда иш олиб бораётганлари келажакда ўзининг ижобий натижасини беради.

Шаҳризода МУҲСИМОВА

Сергели туманидаги 33та маҳаллада ҳам бугун катта ҳажмдаги ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ишлари амалга оширилмоқда. Ерлар юмшатилиб, экин экишга тахт қилиб қўйилмоқда, озгина бўш жой бўлса ҳам тозаланиб, обод ҳолга келтирилиб, дарахт ва гул кўчатлари экилмоқда.

КЎЧАТЛАРГА ПАРВАРИШ ВА МЕҲР КЕРАК

— Жаннатларга қиёс қилгулик обод юртда яшаймиз, заминимизга чўп суқсанг кўкариб, баҳри-дилингни очади. Шундай экан, ўзимиз ҳам шунга муносиб бўлмоғимиз, ҳар бир қарич еримиздан унумли фойдаланиб, есангиз оғизда мазаси қоладиган мевали дарахтларни экиб, парвариш қилиб, чиройли боғларни яратишимиз керак, — дейди «Маҳалла»хайрия жамоат фонди Сергели туман бўлинмаси бошқаруви раиси Ж. Қодиров. – Ҳозирги кунгача туманимиздаги ҳар бир маҳаллада имкон қадар озгина ерга ҳам битта-иккита бўлса ҳам мевали дарахт экишга ҳаракат қилинмоқда. Шу кунгача маҳаллаларимиз кўча атрофлари, уй ва бўш майдонларга 2734 туп мевали ва 4028 туп манзарали дарахтлар ҳамда 10337 туп гул кўчатлари ўтқазилиб, парвариш қилинмоқда. Албатта, кўчат экиш билан боғ барпо бўлиб қолмайди, уларга парвариш ва меҳр керак, шундагина кутилган натижага эришилиб, меваздор боғлар бунёд бўлиб дастурхонимиз тўкин, элимиз бунданда обод бўлади.

Зеро, бизнинг тўрт фасли бор бўлган, тинчлик-осудалик ҳукмрон юртимиз, сахий қуёш тафтида пишиб етилган меваларнинг болдек ширин таъмию фойдали хислатига бутун дунё тан беради, боғбони шаънига тасаннолар айтади. Шундай экан ҳар биримиз боғ яратишдек савобли юмушдан четда қолмайлик.

(Ўз мухбиримиз)

Баҳор ўз гўзаллигини бутун оламга ёйиб, гулу райҳонларнинг хушбўйлари яратиш, яшнатиш фасли келганидан дарак берган айни кунларда ҳамшаҳарларимиз «Ўзбекистон мустақиллигининг 24 йиллигига 24 туп дарахт менинг туҳфам» шиори остида эзгу ният билан ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш, мевали дарахтларни экиб боғ яратишдек хайрли ишларга қўл уришган.

МАҲАЛЛАМИЗГА БИР КЕЛИНГ

Она шаҳримизни бунданда гўзал ва гуллар билан яшнаган озода маскан, олмаю шафтоли, ўригу олхўри, анору анжирлари, болга татигулик мевали боғлар, узумзорларга айлантириш мақсадида нуроний отахон-онахонлар ўзлари яшаётган ҳудудлар атрофига дарахтлар, гуллар экиб ёшларга бош бўлмоқдалар, уларни ҳам бу ишга юракдан ҳисса қўшишга чақирмоқдалар. Чунончи, Шайхонтоҳур туманидаги «Шодлик» маҳалласига кириб келган каттаю кичик юқоридаги фикрлар бежизга айтилмаганига гувоҳ бўлади. Ҳудуди кўп қаватли 17та уйдан иборат бўлган ушбу маҳаллада олиб борилаётган режали ишларга ҳавас қилса арзийди. Уйларнинг атрофи озодаю гуллар ва дарахтлар билан ажиб бир файзли масканга айланган ушбу ҳудудда айни кунларда иш қизғин. Эътиборлиси, «Шодлик» маҳалласининг фуқаролар йиғини раиси Абдусаттор Имомов маҳалладошларига том маънода ўрнак бўлмоқда десак хато бўлмайди.

— Насиб этса ҳар бир эккан мевали дарахтларимиз туп қўйиб палак ёзади ва ушбу ҳудуд мевалари шиғил ҳосилга кирган боғ бўлади, — дейди оқсоқол Абдусаттор Имомов. – 1-уйнинг орқа томонида қаровсиз ётган жойда мўъжазгина боғ яратиш мақсадида бу ишга қўл урган эдим. Ҳозирда 53 туп олма, 100 туп гилос, 10 туп олхўри, 15 туп ўрик, 50 туп узумларнинг ҳар хил нави гуркираб, яшнаб турибди, айримлари бу йил гуллади, улар атрофига эса 20 туп ёнғоқ экканман. Бу йил яна атрофга 100 туп арча экмоқчиман. Маҳалламизда гаражлар бузилиб, ўрнига замонавий учта автотураргоҳлар қурилгани ҳисобига уйларимиз атрофида кичик бўлсада боғ яратиш имконияти туғилди. Кексаларни эъзозлаш йилида нуроний отахонларимиз кўрсатилаётган эътибор ва ғамхўрликдан кўнгиллари кўтарилган ҳолда ташаббус билан чиқиб ҳашар ва ободонлаштириш ишларида бош-қош бўлмоқдалар. Мана, 80 ёшни қаршилаган Акмал ота Хўжахонов ўзлари истиқомат қиладиган 8-уй олдида ҳавас қилса арзийдиган боғ яратдилар. Саидабзал ота Расулов ва Файзулла бобо Ғуломовлар ҳам 9-ва 13-уйлар олдини обод ва ораста ҳолга келтириб, эртага фарзандларимиз мазза қилиб яйрайдиган ажойиб боғ барпо этдилар. Маҳалладошларнинг жуда кўплари бу хайрли ишларда бажонидил иштирок этиб, гулми, мевали ва манзарали дарахтми экиб юртимиз, ҳудудимиз ободлигига ҳисса қўшишга интилмоқда.

«Савоб ишни ҳар куни қилиш керак, ҳар ким қилиши керак» деган ҳикмат айни бизнинг маҳалламизда бўй кўрсатмоқда десам муболаға бўлмайди. Боғбонимиз Ҳусан ака каби қўли гул инсонлар сафи кўпайишини тилаб қоламиз.

«Минг марта гапиргандан, бир бор кўрган афзал», — дейдилар. Сиз ҳам «Шодлик» маҳалласига бир келинг, айтганларимизни ўз кўзингиз билан кўриб, хулоса қилинг. Яна 4-5 йилдан кейин шиғил ҳосилга кирган боғда яйраб, меваларни меҳр билан териб юриш ва эл оғзига тутиш меҳнаткаш, кўнглида она заминига садоқат жўш урган заҳматкашларга насиб этсин, деган тилакни билдириб қоламиз.

Шоира МУҲАМЕДОВА

Сўранг, жавоб берамиз

Тузилган васиятномамни бекор қилмоқчиман. Бунинг учун меросхўрларнинг розилиги керак бўладими? Шу тўғрида тушунча берсангиз.

Н. Одилова,
Шайхонтоҳур тумани

Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси 1120-моддасининг еттинчи қисмига мувофиқ, мерос қолдирувчи васиятнома тузилганидан кейин уни истаган пайтда бекор қилиш ёки ўзгартириш борасида эркин бўлиб, бунда бекор қилиш ёки ўзгартириш сабабларини кўрсатишга мажбур эмас. Бунинг учун бирор-бир кишининг, шу жумладан, бекор қилинадиган ёки ўзгартириладиган васиятномада меросхўрлар қилиб тайинланган шахсларнинг розилиги талаб қилинмайди.

Фуқаролик кодексининг 1127-моддасига кўра: васият қилувчи аввалги васиятномани тўлалигича бекор қилишга ёхуд унда мавжуд бўлган айрим васият фармойишларини янги васиятнома тузиш орқали бекор қилишга, ўзгартиришга ҳақли.

Аввалги васиятнома ёки ундаги айрим васият фармойишларини бекор қилиш тўғрисида тўғридан-тўғри кўрсатмалар бўлмаган кейинги васиятнома мазкур олдин тузилган васиятномани тўлалигича ёки унинг кейинги васиятномага зид бўлган қисмини бекор қилади.

Саидхон ЭШОНХОНОВ, Ҳабибулла ОТАҚЎЗИЕВ,
Юнусобод туманидаги
ДНИ нотариуслари

* * *

Ҳадя шартномаси қандай тартибда тузилиши керак? Агар ҳадя қилишни ваъда қилган инсон ҳадя тузилмасидан аввал оламдан ўтиб қолса, бу шартнома ҳақиқий ҳисобланадими?

З. Тошматова,
Чилонзор тумани

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 502-моддасида белгиланишича, ҳадя шартномаси деб, ашёни текинга мулк қилиб бериш, мулк ҳуқуқини бериш ёки бу мажбуриятларни олишга айтилади. Ҳадя шартномасида шахс ва бериладиган мулк аниқ кўрсатилиши керак.

Ҳадя қилишни ният қилган инсон ҳадя шартномаси тузилмасидан оламдан ўтиб қолса, бўлажак ҳадя эгаси мулкни талаб қилишга ҳақли эмас. Бу шунчаки ваъда ҳисобланади. Ҳадя қилувчининг вафотидан кейин топширишни назарда тутувчи шартнома ҳақиқий ҳисобланмайди. Чунки бу ҳадя эмас, аксинча, васиятнома меъёрларига кўпроқ тўғри келади. Ҳадя шартномасида кўзда тутилган мулк – тарафлар томонидан шартнома имзоланган кундан бошлаб кучга киради. Ҳадя шартномаси имзоланган заҳотиёқ иккинчи тараф мулкига ўтиши белгиланган.

Саодат ОРТИҚОВА,
Олмазор туманидаги
1-сонли ДНИ катта нотариуси

* * *

Амаким кексалиги ва касаллиги сабабли васиятномани имзолай олмайди. Унинг ўрнига жияни сифатида мен имзолашим мумкинми?

С.Азимова,
Юнусобод тумани

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 1124-моддасига мувофиқ, ёзма шаклдаги васиятнома васият қилувчининг ўз қўли билан имзоланиши лозим. Агар васият қилувчи жисмоний нуқсонлари, касаллиги ёки саводсизлиги туфайли васиятномани ўз қўли билан имзолай олмаса, унинг илтимосига биноан – нотариус ёки қонунга мувофиқ васиятномани тасдиқлайдиган бошқа шахс ҳозир бўланида васият қилувчи ўз қўли билан имзолай олмаганлигининг сабаблари кўрсатилган ҳолда васиятномага бошқа шахс имзо қўйиши мумкин. Фақат айрим шахслар бундан мустасно:

– Нотариус ёки васиятномани тасдиқловчи бошқа шахс;

– Васиятнома кимнинг фойдасига тузилган ёки кимга нисбатан васият мажбурияти юклатилган бўлса, ўша шахс ва бу кишининг оила аъзолари, шунингдек, васият қилувчининг қонун бўйича меросхўрлари;

–Тўлиқ муомала лаёқатига эга бўлмаган фуқаролар;

– Саводсизлиги сабабли васиятномани ўқий олмайдиган бошқа шахслар;

– Ёлғон гувоҳлик берганлик учун муқаддам судланган шахслар;

Ва қонунда кўрсатилган бошқа шахслар васият қилувчининг ўрнига васиятномани имзолаши мумкин эмаслиги белгиланган.

Гулбаҳор ҲАКИМОВА, Нигина КАРИМОВА,
Олмазор туманидаги ДНИ нотариуслари

* * *

Бир неча йилдан буён шаҳарда яшайман. Вилоятда бобомнинг ҳовлиси бор. Бобом уни ҳаётлигида менга оғзаки васият қилган. Бир неча йил давомида ўша уйда укам яшади. Бобом вафот этгач, «ҳовлини сотаман» десам, укам қаршилик қилмоқда. Буни қандай ҳал этса бўлади?

К.Олимов,
Учтепа тумани

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 1134-1135-моддаларига асосан, мерос қолдирувчининг болалари, шу жумладан, фарзандликка олинган болалари, турмуш ўртоғи, ота - онаси тенг улушларда биринчи навбатдаги ворислик ҳуқуқига эга бўлади. Сиз ота ҳовлингизни оғзаки тарзда берилган васиятномага асосан олишингиз мумкин эмас. Чунки васиятнома нотариал тартибда расмийлаштирилиши керак.

Фуқаролик кодексининг 1124-моддасида васиятноманинг шаклига доир умумий қоидалар кўрсатилган. Шунга кўра сиз бобонгиздан қолган мол-мулкдан барча қонуний меросхўрлар қатори ўз улушингизни олишингиз мумкин. Бунинг учун бобонгиз яшаган тумандаги давлат нотариал идорасига ариза билан мурожаат этишингиз кераклиги белгиланган.

Нодира ТУРАПОВА,
Учтепа туманидаги 6-сонли ДНИ нотариуси

* * *

Васият бўйича қолдирилган мол-мулкдан ворис маҳрум этилиши ҳам мумкинми? Кимлар мерос олиш ҳуқуқидан маҳрум этилади ва бунда нималар эътиборга олиниши керак?

Н. Юнусов,
Чилонзор тумани

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 1119-моддасига асосан назарда тутилган айрим ҳолатларда ворис, шу жумладан, васият бўйича ворис этиб тайинланган шахс суднинг ҳал қилув қарори билан «нолойиқ меросхўр» деб топилиб, мерос олишдан маҳрум қилиниши мумкин.

Шунингдек, мазкур моддада белгиланганидек, мерос қолдирувчи ёки эҳтимол тутилган меросхўрлардан бирортасининг ҳаётига қасд қилган шахслар ҳамда мерос қолдирувчи ўзининг охирги хоҳиш-иродасини амалга оширишга қасддан тўсқинлик қилган ва шу орқали ўзлари ва ўзларига яқин шахсларнинг манфаатига йўл очишда имкон яратган шахслар васиятнома бўйича ҳам, қонун бўйича ҳам мерос олиш ҳуқуқига эга эмаслар.

Болаларига нисбатан ота - оналик ҳуқуқларидан маҳрум қилинган ва мерос очилган пайтда бу ҳуқуқлари тикланмаган ота-оналарнинг ана шу болаларидан қолган мулкка ворис бўлиш ҳуқуқига эга эмаслиги белгиланган.

Ҳолида КАМИЛХОДЖАЕВА,
Наргиза МУҲАММАДИЕВА,
Сергели тумани ДНИ нотариуслари

Тўртинчи босқич: викторина давом этади!

«СИЗ ТОШКЕНТНИ БИЛАСИЗМИ?»

Мустақил Ўзбекистонимиз танлаган ўз тараққиёт йўлидан дадил одимлаб, юксак марраларни эгалламоқда. Истиқлол йилларида Президентимиз раҳнамолигида мамлакатимизнинг барча ҳудудларида бўлгани каби, пойтахтимиз Тошкент шаҳрида ҳам улкан бунёдкорлик ишлари олиб борилди ва изчил давом эттирилмоқда. Барпо этилаётган маданий-маъмурий иншоотлар, турар жойлар, йўллар ва кўприклар, хиёбонлар, фавворалар, қайта таъмирланиб, янгича ҳусну тароват касб этган қадимий обидалар, қадамжолар гўзал ва бетакрор шаҳримиз кўркига кўрк қўшмоқда.

Пойтахтимиз жамолини кундан кунга очаётган ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ишларининг катта ижтимоий ва тарбиявий аҳамиятини, кенг кўламли ўзгариш ва янгиланишлар энг буюк неъмат — Мустақиллик берган имкониятларнинг амалдаги самараси эканини, ватанпарварлик она юртни ўрганишдан бошланишини инобатга олиб, Тошкент шаҳар ҳокимлиги ва «Тошкент оқшоми» – «Вечерний Ташкент» газеталари таҳририяти **«Сиз Тошкентни биласизми?»** викторинасини ўтказмоқда.

Викторинада барча газетхонлар, пойтахт аҳолиси ва меҳмонлар ёши ва маълумотидан қатъий назар, иштирок этишлари мумкин.

Газеталаримизда викторина саволлари эълон қилинади. Кўрсатилган манзилга энг аввал етган тўғри жавоб ғолиб саналади.

Ҳар ўнта саволдан кейин энг кўп тўғри жавоб йўллаган ғолиб аниқланади.

Ғолибларга қимматбаҳо совғалар топширилади.

Викторинанинг мутлақ ғолиби Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг 24 йиллиги арафасида аниқланади.

Викторина жавоблари **«Тошкент оқшоми» – «Вечерний Ташкент»** газеталари таҳририятига ёки **gazeta-vto@umail.uz, info@tashkent.uz** электрон манзилларига йўлланиши лозим.

Мурожаат учун телефонлар: 233-29-33, 233-29-55, 233-45-84.

Савол:

Тошкент шаҳри денгиз сатҳидан неча метр баландликда жойлашган?

Мамлакатимиз дзюдочилари халқаро миқёсдаги мусобақаларда муваффақиятли иштирок этиб, 2016 йилги ёзги Олимпия ўйинларига йўлланма берувчи муҳим рейтинг очколарини қўлга киритмоқда.

Дзюдо

ДЗЮДОЧИЛАРИМИЗ МУВАФФАҚИЯТИ

Дзюдочиларимиз Грузиянинг Тбилиси шаҳрида ўтказилган Гран-при туркумидаги халқаро турнирда муносиб иштирок этганди. Туркиянинг Самсун шаҳри мезбонлик қилган Гран-при турнирида ҳам полвонларимиз тажриба ва маҳоратини намойиш этиб, иккита олтин ва битта бронза медални қўлга киритди.

Мусобақада олтмишдан зиёд давлатдан энг кучли дзюдо усталари совринли ўринлар ва 2016 йили Бразилиянинг Рио-де-Жанейро шаҳрида ўтказиладиган XXXI ёзги Олимпия ўйинларига йўлланма берувчи муҳим рейтинг очколари учун баҳслашди.

Турнирнинг вазни 60 килограммгача бўлган дзюдочилар ўртасидаги беллашувларида ҳамюртимиз Шарофиддин Лутфиллаев энг кучли эканини исботлади. У финалга қадар қозоғистонлик Ойбек Имашев, озарбойжонлик Меҳмон Садигов, грузиялик Лухуми Чхвимиани ва россиялик Роберт Мшвидобадзени енгди. Полвонимиз ҳал қилувчи баҳсда озарбойжонлик Орҳан Сафаровни мағлубиятга учратиб, олтин медалга сазовор бўлди.

Пекин ва Лондон Олимпиадаси совриндори, дзюдо бўйича икки карра жаҳон чемпиони Ришод Собиров вазни 66 килограммгача бўлган дзюдочилар мусобақасида бельгиялик Кеннет ван Гансбеке, россиялик Анзур Арданов, грузиялик Тристан Пейкришвили, португалиялик Сержиу Олейник ва финалда мўғулистонлик Тумурхулег Даваадорж устидан ғалаба қозониб, шоҳсупанинг энг юқори поғонасидан жой олди.

Яна бир ҳамюртимиз Шерали Жўраев 90 килограммгача бўлган оғирликдаги полвонлар беллашувида бронза медални қўлга киритди.

Шу тариқа Ўзбекистон терма жамоаси турнирда умумжамоа ҳисобида учинчи ўринни эгаллади.

Б.АЙТМУРОДОВ, ЎзА мухбири

АЛПОМИШ АВЛОДЛАРИ КУЧ СИНАШДИ

Тошкент Кимё технология институтида талаба-ёшлар ўртасида миллий кураш мусобақаси ўтказилди.

«Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати Шайхонтоҳур туман Кенгаши ва институтнинг бошланғич ташкилоти билан биргаликда ташкил этилган мусобақада барча факультетлардан 5 та вазнда талабалар гиламга чиқишди.

Мусобақалар муросасиз тарзда кечиб, унда 60, 66, 73, 81, +81кг вазнларда ғолиблар аниқланди. Алпомиш авлодлари ўзаро куч синашган мусобақа сўнгида ғолиблар «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракатининг эсдалик совғалари билан тақдирланди.

Зарина РУСТАМОВА

Бангладеш пойтахти Дакка шаҳрида йигирма уч ёшгача бўлган футболчилар ўртасида Осиё чемпионати саралаш баҳслари давом этмоқда.

Футбол

ОЛИМПИЯЧИЛАРИМИЗ МЕЗБОНЛАРДАН УСТУН КЕЛДИ

Ўзбекистон олимпия терма жамоаси навбатдаги турда бангладешлик футболчиларга қарши майдонга тушиб, 4:0 ҳисобида ғалаба қозонди. Голларни Жалолиддин Машарипов, Сардор Раҳмонов, Аббос Махситалиев киритди.

Ёшларимиз навбатдаги турда сурия ёшлик футболчиларга қарши майдонга тушади.

Н.НАСРИЕВ, ЎзА мухбири

Мутахассис маслаҳати

СОҒЛОМ ТУРМУШ ТАРЗИНИНГ АСОСИЙ ОМИЛЛАРИ

Соғлик — энг катта бойлик, дея бежизга айтилмаган. Зеро, киши соғ-саломат бўлса, унинг ишлари ҳам юришади, кайфияти ҳам чоғ бўлиб бахтли ҳаёт кечиради.

Инсон соғлиғи омиллари ҳақида сўз юритадиган бўлсак, унинг 60 фоизи турмуш тарзига, 20 фоизи атроф-муҳитга, 10 фоизи ирсиятга ва шунча фоизи соғлиқни сақлаш ишларининг аҳволига боғлиқдир. Абу Али ибн Сино таълимоти бўйича соғлом турмуш тарзи йўналишлари тўғри овқатланиш, жисмоний тарбия, тўғри дам олиш, фаслга қараб кийиниш, зарарли одатлардан сақланиш, тана вазнини меъёрида сақлаш, ҳар хил зўриқиш (стресс) лардан сақланишдан иборатдир.

Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти таълимоти бўйича эса соғлом турмуш тарзини шакллантиришнинг асосий йўналишларига тўғри ва оқилона овқатланиш, ҳаракатли турмуш ва бадантарбия, жинсий тарбия, соғлом оила, руҳий осойишталикни таъминлаш, зарарли одатлардан тийилиш, шахсий ва жамоат гигиенасига риоя қилиш киради.

Шуни ҳеч қачон унутмаслик лозимки, соғлом турмуш тарзининг ўнта асосий қоидаси бор. Бунда дастлабки қоида бўйича ўзингизга ёқадиган, тўғри келадиган иш билан шуғулланинг, яъни ишингиз сизга қувонч бағишласин. Бундай иш инсонни ортиқча стресслардан халос қилади, асаб тизимига ижобий таъсир кўрсатади, соғлиғингизни асрайди ва қариш жараёнини секинлаштиради. Соғлом турмуш тарзининг иккинчи асосий қоидасига кўра ўз фикр ва нуқтаи назарингизга эга бўлинг. Онгли ҳаёт инсоннинг депрессияга тушиб қолиши хавфини камайтиради.

Рационал овқатланиш қоидаларига амал қилинг — ҳаддан ташқари кўп еманг, одатдаги 2.000-3.000 кал. ўрнига 1.500-2.000 кал истеъмол қилинг. Бу ҳужайраларнинг фаоллигини таъминлаб, уларнинг зўриқишини камайтиради. Лекин ҳаддан ташқари оз ейиш ҳам зарарлидир. Рационал овқатланиш инсоннинг меҳнат қобилияти, жисмоний ривожланиши ва ўсиши, асаб тизимининг ҳолати, умрнинг давомийлиги каби кўрсаткичларига ижобий таъсир қилади. Бу учинчи қоидадир.

Сигарет, алкоголь, гиёҳванд моддаларни истеъмол қилиш каби зарарли одатлардан воз кечиш юрак-қон томир, нафас олиш ва ошқозон-ичак тизимлари касалликларининг ривожланиш хавфини ва мия деградациясининг ривожланишини камайтиради. Соғлом уйқу бешинчи асосий қоидадир. Унга кўра салқинроқ хонада (17-18°С) ухлашга одатланинг. Гап шундаки, танадаги модда алмашинуви атроф ҳароратига боғлиқдир. Ақлий ва жисмоний меҳнатни уйқудан 1 соат олдин, овқатланишни эса 2 соат олдин тўхтатинг. Иложи борича бир хил пайтда ухлашга одатланинг ва 8 соатдан кам ухламасликка ҳаракат қилинг. Шу кўрсаткичларга етарли амал қилсангиз асаб тизими фаолияти яхшиланади.

Муҳаббатли бўлинг ва меҳрибонликка асосланган ҳолда яшанг. Ёшликни сақлаб туришга муҳаббат ёрдам беради. Шунинг учун ўз жуфтингизни топинг. Иммун тизимининг мустаҳкамланишига бахт гормони (эндорфин) сабабчи бўлади. Соғлом турмуш тарзининг еттинчи асосий қоидаси ақлий меҳнат билан шуғулланишдир. Ақлий меҳнат билан фаол машғул бўлинг — шунда ақлий қобилият ёш ўтгани сари секинроқ деградацияга учрайди, бу эса ўз навбатида юрак ҳамда қон томир тизими ишини фаоллаштиради.

Вақти-вақти билан ўзингизни мазали овқатлар билан сийлаб туринг. Бу сизнинг кайфиятингизни чоғ қилади.

Соғлом турмуш тарзининг тўққизинчи олтин қоидаси шундан иборатки, ўзингиздаги жаҳлни, зардани ҳамиша ҳам босаверманг. Чунки ҳар хил касалликлар, шу жумладан, кардиологик ва онкологик хасталиклар ҳам кўпинча ўзини ич-ичидан «ейдиган» одамларда кўпроқ учрайди. Шунинг учун вақти келганда одам ичидагиларни бўшатиб олишни ҳам ўрганиши керак.

Ниҳоят сўнгги қоида жисмоний меҳнат ва спорт билан шуғулланишни тақозо этади. Мунтазам равишда жисмоний меҳнат ва спорт билан шуғулланиш юрак-қон томири тизими, ўпка иш фаолияти, ҳаракат-таянч аппарати ҳамда асаб ва эндокрин тизимлари фаолиятига ижобий таъсир кўрсатади. Қуйидаги тест синови сизнинг соғлом турмуш тарзига қанчалик амал қилишингизни аниқлаб беради.

- Ҳўл мева ва полиз экинларини тез-тез истеъмол қиласизми? (ҳа –1 балл, йўқ–0 балл).
- Ўз ишингизни ёқтирасизми? (ҳа–1 балл, йўқ–0 балл).
- Ҳайвон ёғи истеъмолини чеклайсизми? (ҳа–1 балл, йўқ – 0 балл).
- Шакар истеъмол қилишни чегаралайсизми? (ҳа–1 балл, йўқ – 0 балл).
- Хоббийингиз борми? (ҳа–1 балл, йўқ–0 балл).
- Суюкли инсонингиз борми? (ҳа–1 балл, йўқ –0 балл).
- Кўп зерикасизми? (ҳа–0 балл, йўқ–1 балл).
- Соғлиғингиз учун хавфли бўлган спорт турлари билан шуғулланасизми? (ҳа–0 балл, йўқ–1 балл)
- Чекасизми? (ҳа–0 балл, йўқ – 1 балл).
- Алкоголни кўп истеъмол қиласизми? (ҳа–0 балл, йўқ –1 балл).
- Вазнингиз меъёридами? (ҳа–1 балл, йўқ–0 балл).
- Арзимаган нарсадан тез хавотирга тушасизми? (ҳа–0 балл, йўқ–1 балл).
- Ҳар куни эрталаб жисмоний машқлар бажарасизми? (ҳа–1 балл, йўқ–0 балл).
- Уйқудан олдин ухлатадиган дори ичасизми? (ҳа–0 балл, йўқ–1 балл).
- Қон босимингизни текшириб турасизми? (ҳа–1 балл, йўқ–0 балл).

Агар сиз 14-15 балл йиққан бўлсангиз, демак ҳақиқатан ҳам соғлом турмуш тарзини олиб борасиз, агар кам бўлса, ҳаёт тарзингизни ўзгартиришингиз лозим.

Барно КАРИМОВА, Республика ихтисослаштирилган кардиология маркази 3-артериал гипертония бўлими мудири, тиббиёт фанлари номзоди

Саломатлик

ЧУҚУРЛАШТИРИЛГАН ТИББИЙ КЎРИКДАН ЎТКАЗИЛДИ

Айни кунларда шаҳримизда ўсма касалликларининг олдини олиш ва даволаш борасида аҳоли чуқурлаштирилган тиббий кўрикдан ўтказилмоқда.

Яккасарой тумани Марказий кўп тармоқли поликлиникасида ҳам ўсма касалликларининг олдини олиш бўйича тиббий кўрик ташкил этилди.

— Бугунги кунда туманимиз миқёсида саратон касаллигига чалинган беморларни соғломлаштириш, уларга барвақт ташхис қўйиш ва даволаш борасида изчил чора-тадбирлар олиб борилмоқда, — дейди Яккасарой тумани бош онкологи Саид Рўзиев. — Ҳозирда 578 нафар бемор саратон касаллигидан соғайиб, шифокорлар назоратида турибди. Зеро, инсон саломатлиги ҳар нарсадан устун бўлиб, соғлиғимизни асраш, авайлаш ўз қўлимизда. Бунинг учун эса озгина вақт ва ҳушёрлик зарур. Шундай экан, аҳолини ўз соғлиғига бефарқ қарамасликка, огоҳликка чорлаб қоламан.

Шаҳар онкология диспансерининг бир гуруҳ мутахассислари иштирокида ўтказилаётган чуқурлаштирилган тиббий кўрик инсонлар саломатлигини яхшилаш, даволаш, муҳофазалашга қаратилган.

Кўрик доирасида саратон профилактикаси, диагностикаси ва касалликни самарали даволашнинг янги, замонавий услубларини амалиётга кенг жорий этиш, аҳолининг тиббий маданиятини юксалтиришга оид давра суҳбатлари ташкил этилди.

Гулчеҳра ДУРДИЕВА

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР / РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

ҲАМШАҲАРЛАРИМИЗ ДИҚҚАТИГА!

Тошкент шаҳрида 2015–2016 йилларда иситиш мавсумига сифатли тайёргарлик кўриш мақсадида 2015 йил 6 апрелдан 8 апрелгача иссиқ сув бўйича иссиқлик истеъмолчиларини чегаралаш билан иситиш тармоқларида иссиқлик йўқотилиши синовдан ўтказилади.

Иссиқлик манбалари таъсир доирасининг манзилли рўйхати:

5-ИМ (М-0,4)

– Чилонзор мавзеси 5÷12, Г9А, 16÷20, 24÷26, Ц, 20А даҳалари, Дўмбиробод, Оқтепа, Шарқ, Гулистон, Ал-Хоразмий – 1,2 турар жой мавзелари, Заргарлик, Гулистон, Муқимий, Боғистон, Фарҳод, Чўпонота, Боғибўстон, Кичик ҳалқа йўли, Наққошлик, Қозиробод, Катта Хирмонтепа, Ширин кўчалари.

«KO`CHMAS MULK SAVDO XIZMATI» МЧЖ бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади!

Аукцион савдосига Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 4 апрелдаги 83-сонли қарори ва «ONIKS» АЖнинг 2014 йил 30 майдаги акциядорлар умумий йиғилишининг баённомаси ҳамда «ONIKS» АЖнинг 2015 йил 30 мартдаги 152/32-сонли буюртманомасига асосан, Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Янги Олмазор кўчаси, 51-уйда жойлашган қуйидаги кўчмас мулклар такроран қўйилмоқда:

1. Умумий ер майдони 16558 кв.м. бўлган 1-блок – 166 кв.м., 2-блок – 118 кв.м., 3-блок – 63 кв.м., 4-блок – 548 кв.м., 5-блок – 971 кв.м., 6-блок – 47 кв.м., 7-блок – 45 кв.м., 8-блок – 25 кв.м., 9-блок – 56 кв.м., 10-блок – 146 кв.м., 11-блок – 919 кв.м., 12-блок – 80 кв.м., 13-блок – 169 кв.м., 14-блок – 402 кв.м., 15-блок – 507 кв.м., 16-блок – 7 кв.м., 17-блок – 1902 кв.м., 18-блок – 631 кв.м. **Бошланғич баҳоси – 4 288 181 156 сўм.**

2. Умумий ер майдони 9173 кв.м. бўлган 37-блок – 13099 кв.м. **Бошланғич баҳоси – 7 822 143 865 сўм.**

3. Умумий ер майдони 6560 кв.м. бўлган 38-блок – 4195 кв.м., 39-блок – 264 кв.м., 40-блок – 5920 кв.м. **Бошланғич баҳоси – 8 205 295 584 сўм.**

4. Умумий ер майдони 18790 кв.м. бўлган 54-блок – 1678 кв.м., 65-блок – 130 кв.м., 66-блок – 1449 кв.м., 67-блок – 126 кв.м., 68-блок – 65 кв.м., 69-блок – 280 кв.м., 70-блок – 1254 кв.м., 71-блок – 14 кв.м., 72-блок – 32 кв.м., 73-блок – 12 кв.м., 74-блок – 755 кв.м., 75-блок – 15 кв.м., 76-блок – 22 кв.м., 77-блок – 113 кв.м., 78-блок – 1102 кв.м., 79-блок – 36 кв.м., 80-блок – 41 кв.м., 81-блок – 517 кв.м. **Бошланғич баҳоси – 4 479 625 245 сўм.**

Аукцион савдоси 2015 йил 20 апрель куни соат 11:00 да бўлиб ўтади. Аризалар иш кунлари соат 10:00 дан 16:00 гача қабул қилинади (соат 13:00 дан 14:00 гача тушлик вақти). Аризаларни қабул қилишнинг охирги муддати – 2015 йил 17 апрель куни соат 18:00.

Кўчмас мулклар 2015 йил 20 апрель куни сотилмаган тақдирда, такрорий савдолари 2015 йилнинг 30 апрель ва 11 май кунлари соат 11:00 да бўлиб ўтади. Такрорий савдолар учун аризалар қабул қилишнинг охирги муддати: 2015 йилнинг 30 апрелдаги савдо учун 28 апрель куни, 11 майдаги савдо учун 8 май куни соат 18:00.

Аукцион савдосида қатнашиш учун ариза билан биргаликда қуйидаги ҳужжатлар тақдим этилади:

– юридик шахслар учун давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳноманинг нусхаси, шунингдек тўлиқ ваколатли вакилнинг аукционда қатнашиши учун расмийлаштирилган ишончнома, унинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжатнинг нусхаси;

– жисмоний шахслар учун паспортнинг нусхаси, аукционда вакил қатнашган тақдирда расмийлаштирилган ишончнома, тўлиқ ваколатли вакилнинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжатнинг нусхаси.

Савдо ғолибига 10 иш куни ичида сотувчи билан олди-сотди шартномасини тузиш мажбурияти юклатилади. Сотувчи томонидан мулклар учун тўловлар амалга ошириш муддати олди-сотди шартномаси тузилганда белгиланади.

Очиқ аукцион савдоларида иштирок этиш учун талабгорлар томонидан мулк бошланғич баҳосининг 15 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини «КМСХ» МЧЖнинг «Ипак йўли банки» АИТБ Сағбон ф-даги 20208000904920609114, МФО:01036, ИНН:207122519 ҳ/рга савдода иштирок этиш учун ариза топширгунга қадар тўлашлари шарт.

Аукцион ўтказиладиган ва қўшимча маълумотлар олиш учун манзил: Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, 1-Қорақамиш кўчаси, 1-А-уй. Тел/Факс: (0371) 228-79-52. www.1kms.uz. Лицензия: RR-0001. Электрон почта: rieltsavdo@inbox.uz.

ЎЗГИДРОМЕТ ХАБАР ҚИЛАДИ

*Тошкент шаҳрида **2 апрель** куни ҳаво ўзгариб туради, кечқурун ва эрталаб қисқа муддатли ёмғир ёғиш эҳтимоли бор. Ғарбдан шарққа томон йўналишини ўзгартирган шамол секундига 5-10 метр тезликда эсади. Ҳарорат кечаси – 0-2, кундузи — 8-10 даража илиқ бўлади.*

*Ўзгидрометнинг мониторинг хизмати маълумотига кўра, Тошкент шаҳрида **2 ва 3 апрель** куни эрталаб Тошкент шаҳрининг об-ҳаво шароити шаҳар ҳаво муҳитида зарарли моддаларнинг бир оз тарқалиб кетишига имконият яратади, ифлосланиш даражаси паст бўлади.*

Тошкент оқшоми

Манзилимиз: 100029, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32

ТЕЛЕФОНЛАР: Эълонлар: 233-28-95, факс: (371) 233-29-55

2007 йил 19 январда Тошкент шаҳар Матбуот ва ахборот бошқармасида 02-1-рақам билан рўйхатга олинган

Нашрни етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент почтамти»га — 233-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

МУАССИС: ТОШКЕНТ ШАҲАР ҲОКИМЛИГИ

ISSN 2010-7221

Бизнинг электрон манзил: gazeta-vto@umail.uz

Буюртма Г- 455

Душанба, сешанба, чоршанба, пайшанба ва жума кунлари чиқади

Нашр кўрсаткичи — 563

Ҳажми — 2 босма табоқ, офсет усулида босилади. 11431 нусхада босилди. Қоғоз бичими А-2

Топириш вақти: 13.00

Нашр учун масъул Д. Исроилов

Босишга топширилди: 15.00

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй

Бош муҳаррир Акмал АКРОМОВ

1 2 3 5